



(С. Богорадо материаллари асосида)

Инсонлар қадимдан Леонардо да Винчи чизган ушбу машҳур портретда қандайдир сир яширинганини ҳис қилиб келганлар. Шунинг учун ҳам бугунги кунга қадар расом аслида қимнинг портретини чизгани ҳақида баҳслар тўхтаган эмас.

1502–1506 йилларда Леонардо да Винчи ўзининг энг машҳур асари — мессер Франческо дель Жокондонинг рафикаси Мона Лиза портретини яратди. Кейинчалик бу асар «Жоконда» номи билан машҳур бўлиб кетди. Аммо вақт ўтиши билан расмда тасвирланган аёлнинг шахси ҳақида шубҳалар пайдо бўлди ва «Жоконда» номи шартли номга айланди.

XVI асрда Леонардонинг юртдоши, машҳур санъатшунос Жоржо Вазари ҳам бир саволга жавоб топа олмаган: нега расом Франческо дель Жокондога унинг хотини портретини топширмаган?

Шундан кейин турли назариялар пайдо бўлди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, расмда Мона Лиза эмас, балки Леонардонинг ўзи тасвирланган. Бу ҳулосага улар компьютер орқали Леонардонинг автопортрети билан «Жоконда»ни қиёслаш натижасида келганлар. Бошқа олимлар эса расмда Франкавил герцогиняси, Филиберта Савойская, Изабелла д'Эсте, машҳур куртизанка, Жулиано Медичининг махбубаси синьора Пачифика ёки ҳатто Марям она тасвирланган, деган фикрларни илгари сурганлар.

Бирок Леонардо ўзини Мона Лиза қиёфасида тасвирлаган бўлиши эҳтимолдан йирок. Агар шундай бўлганида, расмни кўрган замондошлари буни дарҳол пайкаган бўлар эдилар. Ҳатто буюк расом Рафаэль ҳам ушбу асарни кўриб, бундай ўхшашликни қайд этмаган.

Икки қизик ҳолат

«Жоконда» сирини англаш учун Леонардо ҳаётидаги икки муҳим жихатга эътибор қаратиш лозим.

Биринчиси, Леонардо деярли ҳеч қачон ўз автопортретини чизмаган. Бугунгача унинг факат қарилик чоғида қизилган каламтасвири маълум.

Иккинчиси, у умри давомида оила қурмаган. Бирор аёлга чуқур муҳаббат қўйгани ҳақида ҳам ишончли маълумот йўқ. Холбуки, у қелишган коматли, қучли, билимли ва хушмуомала инсон эди.

Нега у на оила қурди ва на ўзини тасвирлашни истади?

Болалик излари

Бу саволларга жавоб топиш учун Леонардонинг болалигига назар ташлаш керак.

Унинг отаси — нотариус сер Пьеро да Винчи Тосканада ер-мулкка эга эди. Шу ерда у оддий дехкон кизи Катерина билан танишади.

1452 йилда Катерина Леонардони дунёга келтиради. Аммо кўп ўтмай сер Пьеро бошка аёлга уйланади, Катерина эса бошка киши билан турмуш қуришга мажбур бўлади.

Натижада Леонардо онасидан ажратилади.

Беш ёшларида у бир аёлнинг доимо уни кузатиб юрганини пайкайди. Бу унинг хакикий онаси Катерина эди. У узокдан ўглига махзун табассум билан қараб турарди.

Муаллиф назарияси

Муаллиф психоанализ назариясига таяниб, Леонардо калбида онасига нисбатан жуда кучли рухий богликлик шаклланган бўлиши мумкинлигини тахмин қилади.

Леонардо ўз ёзувларида ҳам:

«1493 йил 16 июль куни Катерина келди», —

деб ёзади. Эътиборлиси, у ҳеч қачон уни «онам» деб атамайди.

Муаллиф фикрича, болалигида она меҳридан махрум бўлган Леонардо онасининг образини калбида идеал даражасига кўтарган. Шунинг учун ҳам у бошка аёлни севолмаган ва оила қурмаган.

Шунингдек, муаллифнинг тахминига кўра, Леонардо ташки кўриниши жихатидан онасига ўхшаган. Агар у автопортрет чизса, унда онасининг чехраси эркак киёфасида намоён бўларди. Бу эса унинг учун рухий жихатдан огир кечган бўлиши мумкин.

Нега айнан Мона Лиза?

Муаллифнинг назариясига кўра, Леонардо Мона Лизага буюртма асосида эмас, балки ўз хоши билан портрет чизишни таклиф қилган.

Эҳтимол, Мона Лиза ташки кўриниши ёки махзун табассуми билан Катеринани эслатган. Ўша пайтда Мона Лиза кизидан айрилгани учун қайгуга ботган эди. Унинг юзидаги хузн аралаш табассум Леонардога онасини эсга солган бўлиши мумкин.

Шу тарика, муаллиф фикрича, Леонардо ташки жихатдан Мона Лизани тасвирлар экан, аслида хотирасидаги Катерина образини жонлантирган.

Жоржо Вазари ҳам портрет хақида шундай ёзган:

«Бу юздаги кўзлар тирик инсонникидек ёрқин ва нам эди... Киприклар ҳам жуда табиий тасвирланган эди.»

Тўрт йиллик меҳнат

Леонардо ушбу асар устида тўрт йил ишлаган. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, у қарийб 10 минг соат меҳнат қилган. Хатто баъзи жойларда қалам ёки мўйқалам излари 1/20–1/40 миллиметр кенгликда бўлгани айтилади.

Муаллиф фикрича, расм Мона Лизани гўё «андоза» сифатида ишлатиб, хотирасидаги Катерина киёфасини унинг чехраси орқали мукамаллаштирган.

Нега расм эгасига берилмаган?

Асар тугаллангач, флоренцияликлар унда Мона Лизани танишганлар. Бирок унинг турмуш ўртоғи Франческо дель Жокондо портрет хотинига тўлиқ ўхшамаслигини сезган. Муаллифнинг фикрича, у расмда бошка образ мужассамлигини англаган, аммо бу айнан Катерина эканини билмаган.

Шу сабабли Леонардо расмни ҳеч қачон буюртмачига бермаган. У уни ўзи билан олиб кетган ва ҳаётининг сўнгги 16 йили давомида ҳеч қачон ундан ажралмаган.

Тоглар ҳам бежиз эмас

Кейинчалик Леонардо расмнинг орқа манзарасини — тоғли пейзажни чизади.

Муаллиф:

29.07.2026 23:40 -

---

Муаллиф бу тоғлар ҳам бежиз танланмаган, деб ҳисоблайди. Улар Катерина тугилиб ўсган тоғларни эслатади ва унинг ватани рамзи сифатида талкин қилинади.

Хулоса

Ушбу мақолада баён қилинган фикрлар С. Богорадо томонидан илгари сурилган назария ҳисобланади. Бу назария санъатшунослар томонидан умумий қабул қилинган ҳулоса эмас. «Жоконда»нинг ҳақиқий қимлиги ҳақида ҳозиргача турли илмий қарашлар мавжуд ва масала узил-кесил ҳал қилинмаган. Леонардо да Винчи эса бу асарининг сирини ўзи билан бирга олиб кетган буюк ижодкорлардан бири бўлиб қолмоқда.

Абу Муслим тайёрлади